
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ
30.11.1996 й.
№ ПФ-1652

(01.10.2018 йилгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар)

ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ
КОРХОНАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА
РАЎБАТЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА
ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган, шунингдек республика иқтисодиётига сармоя қўядиган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилишини ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1998 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қуйидаги шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этиладиган корхоналар бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига киради:

- корхонанинг низом жамғармаси 600 миллион сўмдан кам бўлиши мумкин эмас;
- корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт;
- хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди.

2. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлган ҳамда хўжалик фаолиятдан тушадиган жами маблағнинг 60 фоиздан кўпроғи низом фаолиятида уларнинг ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулот ва (ёки) кўрсатаётган сервис хизмати улушига туғри келадиган хорижий, шўъба ва қўшма корхоналар хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари жумласига киради.

3. Ушбу Фармон қабул қилинганга қадар рўйхатга олинган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар учун ҳозир амалда бўлган солиқ имтиёзлари белгиланган муддат тугагунча сақлаб қолинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари жумласига кирмайдиган янгидан ташкил этилаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амалдаги ва қўшимча равишда жорий этилаётган солиқ имтиёзлари тадбиқ қилинмайди.

5. Белгилаб қўйилсинки, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг устав жамғармаларини таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган миқдорларда шакллантиришнинг охириги муддати ҳукуматнинг айрим қарорларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, корхона давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак.

6. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. Каримов